

Ҳомиладор ва эмизиклиларга жинсий яқинлик жоиз



20:10 / 18.04.2019 4117

Ушбу масалада ҳам кишилар орасида кўпгина тушунмовчиликлар бор. Баъзи эркак ва аёллар ушбу ҳолатларда жинсий яқинлик қилиб бўлмайди, деган тушунчага бориб қолганлар. Эҳтимол, шунинг учундир, муҳаддислар бу масалага алоҳида сарлавҳа қўядилар.

Жудома бинту Ваҳб ал-Асадийя розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Батаҳқиқ, эмизикли аёлга яқинлик қилишдан наҳий қилмоқчи бўлган эдим, лекин Рум ва Форслар буни қилишларини ва болаларига зарар етказмаслигини эслаб қолдим», дедилар».

Муслим ривоят қилган.

Эмизикли аёл боласи туфайли заифлашиб, унинг кўпгина куч-қуввати боласига кетадиган бўлиб қолади. Шунинг учун ундай аёлга жинсий яқинлик қилиш болага зарар қилмасмикан, деган мулоҳаза пайдо бўлади. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламда шу мулоҳаза бўлган экан. Лекин у зот бошқа халқларнинг тажрибасидан фойдаланиб, эмизикли аёлга жинсий яқинлик қилиш болага зарар етказмайди, деган хулосага келганлар ва уларга жинсий яқинлик қилишдан ман қилмаганлар. Лекин

уламоларимиз: «Барибир, ўшандоқ аёлнинг ҳолини эътиборга олиб, оддий ҳолатдаги аёлга қилган муомаладан бошқача муомала қилиш керак бўлади, яъни оддий ҳолатдагидан кўра оз яқинлик қилиш керак», - дейдилар.